



**15-16 APREL
2022**

**TOSHKENT
O‘ZBEKISTON**

**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G‘OYALAR
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
G.O. MAVLONOV NOMIDAGI SEYSMOLOGIYA INSTITUTI**

O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI

**“TADQIQOT.UZ”
XALQARO ILMIIY JURNALLAR PORTALI**

**GEOGRAFIK TADQIQOTLAR:
INNOVATSION G‘OYALAR VA RIVOJLANISH
ISTIQBOLLARI**

**II
XALQARO ILMIIY-AMALIIY KONFERENSIYA
MATERIALLARI**

TO‘PLAMI

Toshkent - 2023

Geografik tadqiqotlar: innovatsion g'oyalar va rivojlanish istiqbollari:
II Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plam (15–16-aprel, 2022-yil, Toshkent). –Toshkent.: TADQIQOT.UZ, 2023. – 847 bet.



<http://doi.org/10.5281/zenodo.4751426>

To'plamda keltirilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalaridan tabiiy geografiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, iqtisodiy va ijtimoiy geografiya, xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti va mamlakatshunoslik, tashqi iqtisodiy faoliyat, turizm, gidrologiya, gidrometeorologiya, geologiya, geodeziya, kartografiya hamda geoinformatika sohalaridagi mutaxassislar, ilmiy xodimlar, mustaqil izlanuvchilar, doktorantlar, magistratura va bakalavriat talabalari, umumiy o'rta ta'lim maktablari, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari o'qituvchilari hamda geografiya faniga qiziquvchilar foydalanishlari mumkin.

Tahrir kengashi:

g.f.d., professor Hikmatov F.H.
g.f.d., katta ilmiy xodim Rafiqov V.A.
g.f.n., dotsent Sharipov Sh.M.

Kengash a'zolari:

g.f.n., dotsent Tashtayeva S.K.
g.f.n., dotsent Shomurodova N.T.
PhD, dotsent Shomurodova Sh.G'.
PhD, dotsent Prenov Sh.M.
PhD, dotsent Raxmonov D.N.
PhD, dotsent Raxmonov K.R.
PhD, dotsent Umirzoqov G'.O'.

Mas'ul muharrir:

Ibragimov Sh.U.

©Mualliflar jamoasi

©tadqiqot.uz

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ МУЗРАБОТ ТУМАНИГА УМУМИЙ ГЕОГРАФИК ТАВСИФ

Махмитова Мавлуда Ҳамза қизи

магистрант

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

e-mail: mmaxmitova@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада Музработ туманига умумий географик тавсиф берилган. Табиат компонентлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, геологияси, тупроқлари ҳамда туманнинг тупроқ мелиоратив ҳолати, сув бойликларидан оқилона фойдаланиш ва бошқа жиҳатлари талқин этилган.

Калит сўзлар: табиий шароит, географик ўрин, ўсимлик, ҳайвонот, сув ресурси, тупроқ, мелиорация, шўрхок.

GENERAL GEOGRAPHICAL DESCRIPTION OF MUZRABOT DISTRICT OF SURKHANDARYA REGION Makhmitova Mavluda

Abstract: This article gives a general geographical description of Muzrabat district. The components of nature, flora and fauna, geology of soils and soil reclamation, rational use of water resources and other aspects are interpreted.

Key words: geographical location, natural conditions, plant, animal, water resource, soil, reclamation, saline.

Тадқиқот объекти Сурхондарё вилоятининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган, ўзига хос табиий географик шароитга эга бўлган Музработ тумани ҳисобланади. Туман Сурхондарё вилоятида жойлашган бўлиб, 1968-йил 25-декабрда ташкил этилган. 1994-йилгача Гагарин тумани деб юритилган. 1994-йилдан Музработ тумани деб ном олган. Музработ тумани табиий жойлашуви вилоят ҳудудининг энг жанубий қисмини эгаллайди. Шимолда вилоятнинг Шеробод ва Қизириқ, шарқда Ангор, жануби-шарқда Термиз тумани, жанубида Амударё орқали Афғонистон, ғарбда Туркманистон билан чегарадош. Майдони 740 км.кв.

Аҳолисининг асосий қисми ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, туркман ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳоли зичлиги бошқа туманларга нисбатан юқори 1 км кв га 133 киши тўғри келади. Аҳолининг асосий қисми

туманнинг шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбий қисмларида истиқомат қилиб, жанубида анча сийрак жойлашган [4].

Музработ туман ўзининг такрорланмас табиати ва иқлим кўрсаткичлари билан бошқа худудлардан фарқ қилади. Жанубидан Амударёнинг оқиб ўтиши, кенг кўламда шолчилик ва балиқчиликни ривожлантиришга замин яратади. Туман деҳқончилик майдонларининг катта қисмида пахта, буғдой ва шолчи етиштирилади. Ваҳоланки, Музработ тумани вилоят пахта ва буғдой маҳсулотлари, шунингдек, шолчининг катта қисмини етказиб беради. Бугунги кунда мамлакатимизда ер-сув ва ўсимлик ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жумладан, Музработ тумани ўсимликларни ривожланиш жараёни бўйича батафсил маълумотлар билан таъминлаш мақсадга мувофиқ. Ер ости ва ер усти сувларидан самарали фойдаланишда аниқ белгиланган табиий географик методлар орқали уларни баҳолаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Туман табиати ўзига хос иқлим шароитига эга. Қиши совуқ, ёзи иссиқ. Жанубдан эсувчи иссиқ ва қуруқ, Афғон шамоли бутун ёз бўйи эсиб ер юзасини кучли иситади. Бу эса ўз навбатида, баъзи деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришга тўсқинлик қилади. Туман худуди, асосан, текисликдан иборат бўлганлиги учун шимолдан жанубга Амударё томонга пасайиб ва ғарби Кўҳитанг тоғининг жанубий қисмига ёндашади. Ўртача ҳаво ҳарорати қишда 0°C дан 2°C гача. Қишда туманга, вилоятнинг бошқа худудларига нисбатан кам ёғин тушади. Фаслнинг асосий қисмида қуруқ ва совуқ, доимий шамоллар ҳукмронлик қилади. Ёзда ҳарорат июлда 37°-42°C га етади. Ёз ойи узок давом этиб, иссиқ ва қуруқ бўлади. Бизнинг ўлкамиз океанлардан узокда жойлашган, иқлими субтропик иқлим. Бу қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга тўсқинлик қилади. Ёғинларнинг кам ёғиши туман худудида яққол кўзга ташланади. Йиллик ёғин миқдори 110-120 мм. Вегетация даври 250-280 кун. Туманнинг иқлим шароити яъни куёш радиатсияси миқдори, субтропик деҳқончиликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади [4].

Ўсимлик дунёсида янтоқ, ғижмалоқ (туяқорин), саксовул, қамиш ўсади. Ер ости сувлари ер юзасига яқин бўлган жойларда шўралар ўсади. Амударё бўйидаги тўқайзорларда тўқай ўсимликлари мавжуд. Адирда кўпроқ эфемер ўсимликлар, ҳамда шувок, каврак, қўзиқулоқ, бир йиллик астрагал, жавдар, буғдойиқ кабилар мавжуд. Шунингдек, адирларда бутасимон ўсимликлардан итбурун, бодом, зирк кабилар ҳам ўсади.

Ҳайвонот олами ҳам хилма-хил бўлиб, бўри, тулки, бўрсик, кийик, тоғ такаси, тоғ қўйи, қалдирғоч, кемирувчилардан каламуш, қўшоёқ, юмронқозик яшайди. Тўқайларида тўқай мушуги, қирғовул, ёввойи чўчка, чиябўри, тулки,

ғоз, ўрдак учрайди. Тўқайлар, асосан, Амударё этакларида ва дарё қайирларида кўп учрайди [2,103-104-б].

Сувнинг ердаги ҳаёт учун аҳамияти бекиёс. Ўзининг узлуксиз фаолияти туфайли сув Ер қуррасида кузатиладиган барча табиий жараёнларда иштирок этади. Қишлоқ хўжалиги ва санотда сувнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди [3,17-18-б]. Ҳар бир ҳудуднинг ички сувлари туман иқтисодиётини, хусусан, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Бунда нафақат дарёлар, балки кўллар, ер ости ва ер усти сувлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Музработ туманида республика аҳамиятига эга дарёлар бўлмаса-да, аммо тадқиқот объекти аҳамиятига молик дарё, сой ва каналлар мавжуд. Музработ туманининг асосий сув манбаи Қорасув дарёси, Музработсой ва Занг каналларидир. Туман қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда Қорасув дарёси ва Занг каналининг аҳамияти бекиёс. Аҳолининг маълум қисми хонадонларида артезиан қудуқ қаздириб, асосий қисми эса Шеробод тумани Оқтош сойидан ичимлик сувидан истеъмол қилади. Ҳозирги вақтда туманда сув билан боғлиқ кўпгина муаммолар юзага келмоқда. Биринчи навбатда, туман ҳудудида катта дарёларнинг йўқлиги, шу билан биргаликда, ичимлик суви миқдорининг танқислиги, туман табиий шароитининг ҳолатига сезиларли даражада ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида, баъзи ҳудудларда деҳқончиликни ривожлантириш, сув бойликларидан тежаб фойдаланишга дават этади. Шунга қарамасдан, туман асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари пахта, ғалла экинларининг асосий қисми шу ерда етиштирилади. Чунки туманнинг ўзига хос агроиклим ресурсларига, бой вегетация даврига эгаллиги бир қанча субтропик экинларини етиштиришга имкон беради.

Тупроқ тоғ жинсларининг нураши маҳсулидир. Лекин тупроқ ўзининг бир қанча хусусиятлари билан тоғ жинсларидан кескин фарқ қилади. Тупроқ деб ернинг устки қисмида жойлашган ва ўсимликларнинг ривожланиши учун шароит мавжуд бўлган унумдор қатламга айтилади. Тупроқларнинг табиатдаги ва жамият ҳаётидаги роли ғоят бекиёсдир [1,5-6]. Тупроқ организмлар учун ҳаёт муҳити, озуқа манбаи ҳисобланади, моддаларнинг кичик биологик ва катта геологик айланма ҳаракатида муҳим рол ўйнайди [5]. Туманнинг катта қисми текисликдан иборат бўлиб, шўрхок ва тақир тупроқлар катта майдонларни ишғол этади. Фақат суғориб деҳқончилик қилинадиган ҳудудларида бўз тупроқларни учратиш мумкин. Ҳозирги вақтда тупроқ унумдорлигини яхшилаш, шўрхок ерлар майдонини камайтириш мақсадида бир қанча чора тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Шўрланган тупроқлар деганда таркибида 0,3% дан кўп миқдорда сувда осон эрийдиган ва ўсимликларга салбий таъсир қиладиган тузлар бўлган тупроқлар тушунилади. Шўрланган тупроқлар, асосан, чалачўл ва чўл минтақасида, дарёларнинг қуйи оқимида жойлашган аллювиал

текисликларда тарқалган [1, 46-б]. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, туман вилоят ҳудудининг энг жанубий қисмини ишғол этади. Табиий шароити қулай, бой агроиклим ресурс мавжуд. Фақатгина ичимлик суви танқислиги ва шўрхок ерларнинг мавжудлиги туман иқтисодиётининг баъзи бир тармоқларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боисдан, туманнинг тупроқ мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида ўзига хос чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Ҳозирги фан-техника ююқларидан самарали фойдаланган ҳолда томчилатиб суғориш ишларини жорий қилиш, шунингдек, туманнинг катта текислик ҳудудларида боғлар ва сувни тежайдиган турли хил деҳқончилик экинларини етиштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу муаммоларнинг олдини олиш учун кенг кўламли географик тадқиқотлар олиб бориш ҳам мақсадга мувофиқ. Айниқса, кўплаб ерларнинг шўрхокка айланиши нафақат Музработ туманида, балки республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам катта майдонларни эгалламоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Рамазанов А., Буриева С. Тупроқшунослик ва Деҳқончилик.-Тошкент: "Баркамол Файз Медиа", 2018-256 б.
2. Ҳасанов И.А., Ғуломов П.Н., Қаюмов А.А. Ўзбекистон табиий географиси (2-қисм)-Тошкент: "Университет".2010-160 б.
3. Юнусов Ғ.Х., Зияев Р.Р. Умумий гидрология ва Иқлимшунослик- Тошкент: "Баркамол Файз Медиа", 2018-360 б.
4. https://uz.wikipedia.org/wiki/Muzrabot_tumani.
5. <https://agriecomission.com/base/zasolenie-pochv-problema-i-puti-resheniya>